

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

научная электронная  
библиотека  
**eLIBRARY.RU**

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

## LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2025

## Мундарижа

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

<b>1. ТУРДИЕВ Бобир Собирович</b>	
ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ: ЭКОЛОГИЯГА ОИД ҶАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ МАСАЛАЛАРИ.....	8
<b>2. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович</b>	
ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	21

### ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ҲУСУСИЙ ҲУҚУҚ

<b>3. КАМАЛОВ Мансурхон Мухтарович</b>	
КОРПОРАТИВНЫЕ ПРАВООТНОШЕНИЯ: ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ И ОТВЕТСТВЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	26
<b>4. САИДОВ Мақсудбек Норбоевич</b>	
МЕРОСХҮР (ҲУҚУҚИЙ ВОРИС)НИНГ МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТДАГИ УЛУШГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИ: МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР .....	35

### СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

<b>5. КОМИЛОВ Авазбек Бокижонович</b>	
ПРОКУРОР ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ ...	42

### ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

<b>6. TO'RABAYEVA Ziyoda Yakubovna</b>	
О'zbekiston RESPUBLIKASIDA VOYAGA YETMAGANLARNI JINOIY JAVOBGARLIK VA JAZODAN OZOD QILISHGA OID QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH .....	50
<b>7. АТАКУЛОВ Бекзод Абдухалил угли</b>	
КЛАССИФИКАЦИЯ И МЕТОДИКА ВЫЯВЛЕНИЯ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ.....	58
<b>8. БОБОМУРОДОВ Фарход Боймуротович</b>	
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	65

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

<b>9. ЮЛДАШЕВА Говхержан</b>	
МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ В СФЕРЕ БОРЬБЫ С ПЫТКАМИ И КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	76

<b>10. RAKHMANOV Shukhrat</b>	
LEGAL STATUS AND DIPLOMATIC IMMUNITIES OF THE EUROPEAN UNION DELEGATION IN UZBEKISTAN: CURRENT ASPECTS .....	81
<b>11. URINBOYEV Rustamjon</b>	
MIGRATION, GENDER AND LEGAL CULTURE: CENTRAL ASIAN LABOUR MIGRANTS IN RUSSIA.....	87
<b>12. РАХИМОВА Муаттара Абдусаттаровна</b>	
ГЕНЕЗИС ПОНЯТИЙНОГО АППАРАТА «МЕЖДУНАРОДНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ».....	97
<b>13. БАРАТОВ Миродилжон Хомуджонович, ХАКИМОВ Равшан Тулкунович, АКРАМХОДЖАЕВ Бори Тохтаходжаевич</b>	
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ВСТУПЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА ВО ВСЕМИРНУЮ ТОРГОВУЮ ОРГАНИЗАЦИЮ .....	110
<b>14. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич</b>	
ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	120

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

Тошкент давлат юридик университети

“Халқаро хуқуқ ва инсон хуқуқлари” кафедраси  
мудири ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com

## ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** РАСУЛОВ Ж.А. Халқаро миграцияни бошқаришнинг институционал тузилмасини шакллантириш борасида замонавий ёндашувлар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2025) Б. 120-126.



1 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2025-1-14>

### АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада миграция жараёнларини глобал бошқариш тизимини шаклланиши борасидаги халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф узоқ муддатли истиқболда халқаро миграция билан боғлиқ мавжуд институционал тузилмани янада чуқурроқ қайта кўриб чиқиши зарурлигини қайд этади. Шунингдек, мақолада БМТ тизимига кирувчи кўп сонли тузилмалар фаолиятини ўрганганд ҳолда уларни кенг доирасини учта асосий тоифага ажратиш мумкинилиги таъқидланади. Мақолада глобал миграцияни бошқаришнинг умумий тизими мўрт бўлиб, ҳар томонлама ва келишилган институционал асосни таъминлай олмаслиги юзасидан фикрлар билдирилиб, бу борада мавжуд халқаро тузилмалар фаолияти самарадорлиги борасида холосалар қилинган.

**Калит сўзлар:** халқаро миграция, МБХТ, БМТ ҚОКБ, Нью-Йорк декларацияси, Глобал шартнома.

РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

Заместитель заведующего кафедрой

Международного права и прав человека ТГЮУ,  
доктор философии (PhD) по юридическим наукам  
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com

## СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ФОРМИРОВАНИЮ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ СТРУКТУРЫ УПРАВЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ МИГРАЦИЕЙ

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье с научно-теоретической точки зрения проанализированы усилия международного сообщества по формированию системы глобального управления миграционными процессами. Автор отмечает необходимость более глубокого

пересмотра существующей институциональной структуры, связанной с международной миграцией, в долгосрочной перспективе. Также в статье подчеркивается, что, изучив деятельность многочисленных структур, входящих в систему ООН, можно разделить их широкий спектр на три основные категории. В статье высказывается мнение о том, что общая система управления глобальной миграцией является хрупкой и не способна обеспечить всестороннюю и согласованную институциональную основу. Исходя из вышеперечисленного, сделаны выводы об эффективности деятельности существующих международных структур в данной области.

**Ключевые слова:** международная миграция, МОМ, УВКБ ООН, Нью-Йоркская декларация, Глобальный договор.

**RASULOV Jurabek**

Deputy Head of the Department of  
International Law and Human Rights,  
Tashkent State University of Law,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com

## CONTEMPORARY APPROACHES TO SHAPING THE INSTITUTIONAL STRUCTURE OF INTERNATIONAL MIGRATION GOVERNANCE

### ANNOTATION:

This article provides a scientific and theoretical analysis of the international community's efforts to establish a global management system for migration processes. The author emphasizes the necessity for a more comprehensive revision of the existing institutional framework related to international migration in the long term. Additionally, the article highlights that, by examining the activities of numerous structures within the UN system, it is possible to categorize their wide range into three main groups. The article argues that the overall system of global migration management is fragile and unable to provide a comprehensive and coordinated institutional foundation. It also draws conclusions regarding the effectiveness of existing international structures in this context.

**Keywords:** international migration, IOM, UNHCR, New York Declaration, Global Treaty.

Миграцияни глобал бошқаришнинг институционал тузилмаси олимлар орасида узоқ вақтдан буён баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Хусусан, Алейников унинг умумий тузилишини “архитектурасиз моҳият” деб таърифлаган [1, Б.467], чунки ҳуқуқий нормаларнинг ривожланиши расмий институционал тузилма билан боғлиқ эмас.

Бинобарин, “бошқарув жойлари ва мавзулари, айниқса ҳалқаро миёсда, ягона бино барпо этиш учун жуда ҳам ноаниқ бўлиши мумкин” [1, Б.469]. Бу ташхис 2007 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ҳали ўз ролини излаётган, Миграция ва тараққиёт бўйича глобал форум эндиғина ташкил этилган, Миграция бўйича ҳалқаро ташкилот эса БМТ тизимидан ташқарида бўлиб, ўн йиллар давомида АҚШлик Бош директор томонидан бошқарилаётган пайтда берилгани учун, шубҳасиз, ўринли эди.

Ўшандан бери глобал миграцияни бошқаришнинг тез ва кутилмаган ўсиши унинг умумий тузилишини сезиларли даражада ўзгартириди ва шакллантириди. Натижада олинган тузилма ҳали ҳам Жаҳон миграция ташкилотининг йўқлиги билан тавсифланади ва бунинг ўрнига бир вақтнинг ўзида кўп қатламли ва ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб институтлар ва жараёнларнинг мураккаб мажмуасига асосланган деконструктивистик бинони эслатади.

Миграцияни глобал бошқаришнинг институционал асоси билан боғлиқ қарама-қаршиликларнинг аксарияти миграция масалалари билан шуғулланувчи

ягона марказлашган халқаро ташкилотнинг йўқлиги билан бевосита боғлиқ. Ушбу институционал камчиликни бартараф этиш учун бир қатор иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва сиёсатшунослар мунтазам равишда Жаҳон миграция ташкилотини тузишга чақирмоқда. Жагдиш Бҳагвati бундай умумжаҳон ташкилотини ташкил этиш ғоясини 1992 йилдаёқ илгари сурган эди. Унинг таъкидлашича, “дунё маърифатли миграция сиёсати ва илғор тажрибаларга жуда муҳтож бўлиб, буларни тарқатиш ва тизимлаштириш зарур. Жаҳон миграция ташкилоти буни ҳар бир мамлакатнинг қонуний ёки ноқонуний, иқтисодий ёки сиёсий, малакали ёки малакасиз миргантларга нисбатан кириш, чиқиш ва яшаш сиёсатларини таққослаш орқали амалга ошира бошлади.” Таниқли иқтисодчининг фикрига кўра, Жаҳон миграция ташкилоти олдига учта асосий вазифа кўйилиши лозим: биринчиси, даврий равишда мамлакатлар бўйича ўрганишларни амалга ошириш, иккинчиси, миграция билан боғлиқ юқ тақсимотининг кўрсаткичларини белгилаш ва учинчиси, мигрантларнинг ҳуқуқҳамда мажбуриятларини тизимлаштириш[2].

Бошқа бир олим Бимал Гош, шунингдек, одамларнинг тартибли ҳаракатланиши учун янги халқаро тизим ўрнатиш зарурлигини ҳам илгари сурди. Унинг фикрича, “янги тизим учта асосий устундан иборат бўлиши керак: 1) бир қатор умумий мақсадларни белгилаш; 2) миллий, минтақавий ва глобал даражада ҳаракатларнинг уйғунлигини таъминлаш учун халқаро миқёсда келишилган норматив асосни ишлаб чиқиш; ва 3) мувофиқлаштирувчи институционал механизмни, шу жумладан назорат механизмини яратиш”[3, Б.227].

Халқаро ҳуқуқшунослар орасида Артур Хелтон 2003 йилда “ҳозирги ҳолатдан кўра самаралироқ, сахийроқ ва инсонпарварроқ бўлиши лозим бўлган глобал миграция сиёсатини ишлаб чиқиш ва низоларни ҳал қилиш учун” Бутунжаҳон миграция ташкилотини тузишни таклиф этган[4]. Жоэл Трахтман 2009 йилда нашр этилган “Халқаро иқтисодий миграция ҳуқуқи” китобида шундай ташкилот ҳақида ўхшаш фикрни билдирган. Халқаро савдо бўйича ҳуқуқшунос уни Жаҳон савдо ташкилоти каби тузишни таклиф қиласди. Унинг фикрича, бундай ташкилотда кучли котибият ҳамда ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳукуматлараро музокаралар ва низоларни ҳал этиш бўйича кенг ваколатлар тўплами мавжуд бўлиши керак[5, Б.324–29].

ЖСТ билан бундай ўхшашликнинг имкониятларини Кристофер Рудолф чуқурроқ ўрганган. У “ЖСТ ўзининг кўлами кенглиги, аъзолик доираси катта эканлиги, аъзо давлатлар томонидан берилган ваколатларнинг тақсимланиш даражаси, қоида ва тартиб-таомилларининг аниқлиги ҳамда низоларни ҳал қилиш механизмларининг мукаммаллиги билан тақлид қилиш учун миграция тизимининг намунали шаклини ифодалайди” [6, Б.184] деган фараздан келиб чиқсан. Бироқ, унинг холосасига кўра, бундай институт глобал ҳаракатчанлик тизимининг белгиланган мақсадларига эришиш учун зарур, деб ҳисоблашга жиддий асослар бўлса-да, ЖСТга ўхшаш кенг қамровли, юқори даражада институтлашган тизимнинг яқин келажакда ўрнатилиши эҳтимолдан анча йироқ.

Халқаро миграция бўйича глобал комиссия 2005 йилда таъкидлаганидек, “узоқ муддатли истиқболда халқаро миграция билан боғлиқ мавжуд институционал тузилмани янада чуқурроқ қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Бу БМТ ва бошқа ташкилотларнинг миграция билан боғлиқтар қоғунцияларини ягона ташкилот доирасида бирлаштириш ҳамда халқаро миграциянинг янги ва мураккаб воқеликларига жавоб бериш учун керак”[7, Б.75]. Гарчи бу фикр БМТ томонидан кўллаб-қувватланмаган бўлса-да, аъзо давлатлар мавжуд институционал тузилманинг камчиликларини илгаригидан кўра яхшироқ англамоқдалар. Хусусан, бу БМТ Бош Ассамблеясининг 2013 йилдаги Халқаро миграция ва ривожланиш тўғрисидаги декларациясида ўз тасдифини топган. Унда аъзо давлатлар БМТнинг барча тегишли органлари ва бошқа тегишли ҳукуматлараро ташкилотларни “келишилган, кенг қамровли ва мувофиқлаштирилган ёндашувни қабул қилишга”[8] чақирган.

Бундан ташқари, улар Қочоқлар ва мигрантлар тўғрисидаги Нью-Йорк

декларациясида миграциянинг глобал бошқарувини мустаҳкамлаш мажбуриятини олдилар. Миграция бўйича глобал шартнома эса “комплекс ва интеграциялашган ёндашувнинг муҳим аҳамиятини”[9] яна бир бор таъкидлайди ҳамда халқаро ҳамкорлик ва глобал шерикликни мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифани белгилайди. Бироқ, бу чақириқлар яратилиши лозим бўлган аниқ шароитлар ва умумий институционал тузилма борасида ҳамон ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Миграцияни глобал бошқаришда янада мувофиқлаштирилган ва интеграциялашган ёндашувга интилиш, мавжуд институтларни бирлаштириш ва ривожлантириш орқали, шубҳасиз, прогрессив саъй-ҳаракатларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Миграция бўйича халқаро ташкилот (МБХТ) 2016 йилда БМТ тизимиға қўшилганидан бери энг мақбул номзод ҳисобланади.

БМТнинг МБХТни “миграция соҳасида етакчи роль ўйнайдиган ташкилот”[10] сифатида эътироф этиши янада кенг қамровли институционал ислоҳотларга янги туртки беради. МБХТ ўзининг ҳозирги ваколатларини бирлаштириш ва кенгайтириш шарти билан чинакам кенг қамровли ташкилотга айланиш имкониятига эга. Уни ЖСТга қиёслаш уларнинг ўзига хос хусусиятларини ва ҳақиқий Жаҳон миграция ташкилоти бўлишга олиб борадиган узоқ йўлни яққол кўрсатади. Ушбу қиёсий нуқтаи назардан, ЖСТ ва МБХТ ўртасида уларнинг БМТ тизимидағи ҳуқуқий мавқеи ва ваколатларининг ихтисослашган хусусияти ҳақида сўз борганда, иккита аниқ ўхшашликни кузатиш мумкин. ЖСТ сингари МБХТ ҳам БМТ билан алоқадор ташкилот ҳисобланади. Биринчиси савдога алоҳида эътибор қаратса, иккинчиси миграция соҳасида умумий ва мутлақ ваколатларга эга ягона ҳукуматлараро ташкилотdir. Бироқ икки халқаро ташкилот ўртасидаги ўхшашлик ана шу икки асосий ва юзаки ўхшаш жиҳатлардан нарига ўтмайди.

Яқинда БМТ тизимиға қўшилганига қарамай, МБХТ 1987 йилги Конституциясидан мерос қолган ҳозирги ваколатларига хос чекловлар туфайли узоқ кутилган Жаҳон миграция ташкилотига айланишдан ҳали анча йироқда. Таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳоланганди, МБХТ миграция соҳасидаги ўхшашидан кўра кўпроқ ЖСТнинг қарама-қаршиси ҳисобланади. Иккинчисидан фарқли ўлароқ, биринчиси асосан ўз аъзо давлатлари учун оператив ва норматив бўлмаган ваколат билан хизмат кўрсатувчи сифатида фаолият юритади. Шу сабабли, МБХТ аъзо давлатлар учун ЖСТдаги каби музокаралар олиб бориш ва мажбурий қоидаларни қабул қилиш учун майдон эмас. Бу унинг ҳозирги ваколатлари доирасида ривожланиш учун имконият йўқлигини англатмайди. Биринчи навбатда оператив ташкилот бўлган МБХТнинг норматив бўлмаган позицияси қонунчиликда ҳам, амалиётда ҳам ҳақиқий хусусиятдан кўра кўпроқ рамзий аҳамиятга эга. Бундан ташқари, унинг Конституцияси ташкилотга нисбатан кенг маънода давлатлар, шунингдек халқаро ва бошқа ташкилотлар учун форум вазифасини юклайди.

МБХТ Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ, ташкилотнинг форум сифатидаги роли иккита мақсадни кўзлаши керак: “фикр ва тажриба алмашиш,” шунингдек, “халқаро миграция масалалари бўйича ҳамкорлик ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, шу жумладан амалий ечимларни ишлаб чиқиши учун бундай масалалар бўйича тадқиқотлар ўтказишга кўмаклашиш.”[11] Биринчи мақсад таъкидлашича, МБХТ музокаралар учун эмас, балки мунозаралар учун мўлжалланган эди. Шунга қарамай, ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришга кўмаклашишнинг иккинчи мақсади ҳар ҳолда кенгроқ маънода талқин қилиниши мумкин. Тадқиқотлар ўтказиш, шубҳасиз, ҳамкорликни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш соҳасида амалий ечимларни ишлаб чиқишининг кўплаб воситаларидан биридир.

Агар МБХТ икки мақсадга: аниқ масалалар бўйича илфор тажрибаларни муҳокама қилиш ва шу асосда мажбурий ёки мажбурий эмаслигидан қатъи назар, умумий стандартларни келишиш учун мўлжалланган форумга айлантирилса, анча аниқ натижаларга эришиш мумкин. Равшанки, бунинг учун ташкилот ва унинг аъзо давлатлари ушбу ташаббусни амалга оширишга тайёр бўлиши талаб қилинади.

МБХТ Уставининг кенг ва аниқ мақсадга йўналтирилган талқини унинг ролини

кенгайтириш учун бироз эркинлик берса-да, унинг ҳозирги мақоми билан ҳақиқатан ҳам кенг қамровли ва етакчи ташкилотга айланишига эришиш амри маҳол. Шундай қилиб, БМТ Бош котибининг МБХТни ихтисослашган агентликка айлантириш тўғрисидаги таклифи миграцияга нисбатан янада комплекс ва келишилган институционал жавоб бериш йўлидаги янги қадамдир. 2017 йил декабрь ойидаги “Миграцияни ҳамма учун ишлашга мажбур қилиш” номли ҳисботида у қўйидагиларни тушунтириди:

Қочоқлардан фарқли ўлароқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида миграция муаммоларини ҳал қилиш учун ҳали ҳам марказлашган салоҳият мавжуд эмас. Ташкилотнинг ушбу масалага ёндашуви қочоқлар билан ишлашга бўлган ёндашувидан фарқли ўлароқ, фрагментардир. [...] Энди бу муносабатларни янада ривожлантириш ва ХМТ ваколатларини миграция билан боғлиқ масалалар бўйича аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кенгроқ тизимиға яхшироқ интеграция қилиш имконияти мавжуд. БМТ ва унинг аъзо давлатлари ҳақиқатан ҳам МБХТни ихтисослашган агентликка айлантиришдан кўп фойда кўради. Шунга қарамай, ҳуқуқий мақомнинг бундай ўзгаришига бирдан-бир мақсад сифатида қаралмаслиги керак. Агар унинг ваколатини янада жиддийроқ ислоҳ қилиш ва икки ташкилот ўртасидаги мавжуд такрорланишни юмшатиш учун БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси (БМТ ҚОКБ) ваколати билан яхшироқ мувофиқлаштириш билан бирга олиб борилмаса, унинг ихтисослаштирилган муассасага айлантирилиши муқаррар равишда чекланган оқибатларга олиб келади[12, Б.16-17].

МБХТ қандай бўлмасин, ҳақиқий Жаҳон миграция ташкилотига айланиш истиқболларига қарамай, бу ташкилот фақат яхлит нуқтаи назардан тушуниш мумкин бўлган кенг қамровли экотизимнинг бир қисмидир. Макродаражада, миграциянинг кўп қиррали табиати ва ушбу соҳага жалб қилинган кўплаб иштирокчиларни ҳисобга олган ҳолда, БМТнинг умумий тузилмаси муқаррар равишда номарказлашган ва кўп босқичли бўлиб қолади. Миграцияни глобал бошқариш бир-бирига боғлиқ ва параллел равишда фаолиятюритувчихалқароинститутларнинг мураккаб тизими билан тавсифланади, булар иерархик тарзда ташкил этилмаган. Миграцияни бошқариш савдони бошқариш билан боғлиқ эмаслиги, бошқарув тизими мавжуд эмаслигини англашмайди. Умуман олганда, халқаро миграция ҳуқуқи сингари, мавжуд институционал тузилмани марказлашмаган ва кўп босқичли бошқарувга асосланган деконструктивистик архитектура сифатида кўриш мумкин. Тартиб ва уйғунликка асосланган класик архитектурадан фарқли ўлароқ, унинг институционал тузилиши мураккаблик, ноаниқлик ва зиддиятлар ўз структурасига хос бўлган ғайриоддий конструкциядир.

БМТ агентликлари ва улар билан боғлиқ ташкилотлар, ҳамкорлик қилишни ўрганишлари ва ушбу ўта марказлашмаган институционал тузилма доирасида фаолиятларидағи мавжуд такрорланишларни камайтиришлари шарти билан, катта салоҳиятга эга бўладилар. МБХТ ва БМТ ҚОКБ, шубҳасиз, БМТ архитектурасининг энг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. БМТ агентликлари ва департаментларининг аксарияти, шунингдек, улар билан боғлиқ ташкилотлар одамларнинг чегаралараро ҳаракатининг кўп қиррали ва кенг қамровли табиати туфайли, у ёки бу тарзда миграция соҳасига жалб этилган. Уларнинг тегишли ваколатларига асосланган ҳолда баҳолангандা, БМТ тизимиға кирувчи муассасаларнинг кенг доирасини учта асосий тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ фақатгина миграция, қочоқларни ҳимоя қилиш ва/ёки ҳаракатланиш масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлардан иборат (МБХТ, БМТ ҚОКБ).

Иккинчи гуруҳга одамларнинг чегаралардан ўтиши уларнинг кенг қамровли ваколатларининг муҳим қисми бўлган ташкилотлар киради (ХМТ, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, ЖСТ).

Учинчи гуруҳга ўз ваколатларининг ёндош натижаси сифатида, яъни уларнинг шахсий ёки моддий имкониятлари одамларнинг чегаралардан ўтиши билан боғлиқ бўлган ҳолда, ушбу кўп қиррали соҳада иштирок этувчи бошқа кўплаб ташкилотлар

киради (ЮНИСЕФ, БМТ ТД, ЮНЕСКО, ЮНКТАД, ФАО, БССТ ва бошқалар).

МБХТ ва БМТ ҚОКБ: Глобал миграция бошқарувининг асосий элементлари. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидағи миграция ва қочоқларни ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи халқаро ташкилотларнинг кенг қамровли тармоғи асосан иккита йирик тузилма: МБХТ ва БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси атрофида шаклланган. Бу икки етакчи тузилма миграциянинг институционал тузилмаси ривожланадиган марказий ўқ вазифасини бажаради.

Улар, аслида, БМТнинг миграция ва қочоқларни ҳимоя қилиш соҳасида маҳсус ва кенг қамровли ваколатга эга ягона тузилмалариридир. МБХТ халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мигрантларга (шу жумладан қочоқлар ва ички қўчирилган шахсларга) хизмат кўрсатиш учун миграция соҳасида умумий ваколатга эга бўлса, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси асосан қочоқларни ҳимоя қилиш ва улар учун доимий ечимлар излаш билан (ўз ватанига ихтиёрий қайтиш, маҳаллий интеграция ва учинчи мамлакатга жойлаштириш орқали) шуғулланади.

Ушбу институционал тузилмада ҳал қилувчи роль ўйнагани сабабли, МБХТ ва БМТнинг ҚОКБни бир-биридан ажратиб кўриб чиқиб бўлмайди. 1951 йилда ташкил этилганидан бўён бу икки ташкилот ўзларининг тегишли ваколатлари ва тъисис ҳужжатларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз институционал дастурларига амал қилган ҳолда анча тарқоқ ривожланди.

Хулоса.

Шундай қилиб, глобал миграцияни бошқаришнинг умумий тизими мўрт бўлиб, ҳар томонлама ва келишилган институционал асосни таъминлай олмайди. Шунга қарамай, унинг пойдевори ҳали ҳам мавжуд. Ушбу мураккаб архитектуранинг асоси иккита асосий унсурдан: давлатлар ва халқаро ташкилотлардан ташкил топган. Миграция бўйича Глобал шартнома қабул қилингач, давлатлар “миграция глобаллашган дунёнинг асосий хусусияти эканлигини, барча минтақалар ичida ва ўртасида жамиятларни бирлаштиришини ҳамда барчани келиб чиқиш, транзит ва манзил мамлакатларига айлантирганини”[13] англаб етдилар. Ушбу ўрганиш жараёни ҳали ҳам давом этаётган бўлса-да, халқаро ташкилотлар ҳам давлатларнинг янада мувозанатли ва ҳамкорликка асосланган ёндашувга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-куватлашда муҳим роль ўйнашлари лозим.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Aleinikoff T.A., ‘International Legal Norms on Migration: Substance without Architecture’ in R.Cholewinski, R.Perruchoud, and E. MacDonald (eds), International Migration Law: Developing Paradigms and Key Challenges (TMC Asser Press 2007).
2. J. Bhagwati, ‘A Champion for Migrating Peoples’ (The Christian Science Monitor, 28 February 1992) // <http://www.csmonitor.com/1992/0228/28181.html>
3. B. Gosh, ‘New International Regime for Orderly Movement of People: What Will it Look Like?’ in B Gosh (ed), Managing Migration: Time for a New International Regime? (OUP 2000).
4. A. Helton, ‘People Movement: The Need for a World Migration Organization’ // [www.opendemocracy.net/people-migrationeurope/article\\_1192.jsp](http://www.opendemocracy.net/people-migrationeurope/article_1192.jsp)
5. J.P. Trachtman, The International Law of Economic Migration: Toward a Fourth Freedom (WE Upjohn Institute Press 2009).
6. C. Rudolph, ‘Prospects and Prescriptions for a Global Mobility Regime: Five Lessons from the WTO’ in B Koslowski (ed), Global Mobility Regimes (Palgrave Macmillan 2011).
7. Global Commission on International Migration (GCIM), Migration in an Interconnected World: New Directions for Action (GCIM 2005).
8. Declaration of the High-level Dialogue on International Migration and Development, UNGA Res 68/4 (3 October 2013) UN Doc A/RES/68/4, para 31.
9. New York Declaration for Refugees and Migrants, UNGA Res 71/1 (19 September 2016) UN Doc A/RES/71/1.
10. Agreement Concerning the Relationship between the United Nations and the

International Organization for Migration, UNGA. Res 70/296 (25 July 2016) UN Doc A/RES/70/296.

11. Договор Конституцию Международной организации по миграции // <https://lex.uz/docs/4283423>

12. UNGA 'Making Migration Work for All: Report of the Secretary-General' (12 December 2017) UN Doc A/72/643.

13. Global Compact for Safe, Orderly and Regular Migration (13 July 2018) // [https://refugeesmigrants.un.org/sites/default/files/180713\\_agreed\\_outcome\\_global\\_compact\\_for\\_migration.pdf](https://refugeesmigrants.un.org/sites/default/files/180713_agreed_outcome_global_compact_for_migration.pdf)